

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САНИТАРИЯ ГИГИЕНА ВА КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИ ИЛМИЙ**  
**ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ХАШИРБАЕВА ДИНОРА МАККАМБАЕВНА**

**САНОАТ ХУДУДИДАГИ КОРХОНАЛАРДА ИШЧИЛАР**  
**САЛОМАТЛИГИГА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОМИЛЛАРИНИНГ**  
**ТАЪСИРИНИ ГИГИЕНИК БАХОЛАШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ**  
**ТАДБИРЛАР МАЖМУАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**14.00.07 – Гигиена**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА**  
**ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Докторлик (DSc)диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation**

**Хаширбаева Динора Маккамбаевна**

Саноат худудидаги корхоналарда ишчилар  
саломатлигига ишлаб чиқариш омилларининг  
таъсирини гигиеник баҳолаш ва олдини олиш  
тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш ..... 3

**Хаширбаева Динора Маккамбаевна**

Гигиеническая оценка влияния  
производственно-обусловленных факторов  
предприятий промышленной зоны на здоровье  
работников и разработка комплексных мер профилактики..... 24

**Khashirbaeva Dinora Makkambayevna**

Hygienic assessment of the production caused  
factors impacts the industrial zone enterprises on  
workers health and the development of complex  
prevention measures in cotton oil ..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 55

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САНИТАРИЯ ГИГИЕНА ВА КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИ ИЛМИЙ**  
**ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ХАШИРБАЕВА ДИНОРА МАККАМБАЕВНА**

**САНОАТ ХУДУДИДАГИ КОРХОНАЛАРДА ИШЧИЛАР**  
**САЛОМАТЛИГИГА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОМИЛЛАРИНИНГ**  
**ТАЪСИРИНИ ГИГИЕНИК БАХОЛАШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ**  
**ТАДБИРЛАР МАЖМУАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**14.00.07 – Гигиена**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА**  
**ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/Tib179 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Санитария гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Садиков Аскар Усманович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Худайберганаов Анатолий Сагатбаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Азизова Феруза Лютпиллаевна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Усманов Ислам Аббасович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Шимолий-ғарбий гигиена ва жамоат саломатлиги илмий маркази (Россия Федерацияси)**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (99871) 150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ \_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2 уй. Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув бино «Б» корпуси, 1-қават. Тел./факс: (99871) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кун тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Г. И. Шайхова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Ж. Эрматов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Ф.И. Саломова**

Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, доценти

## КИРИШ (Докторлик диссертациясининг аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда меҳнатга яроқли аҳоли саломатлигини сақлаш меҳнат гигиенасининг муҳим вазифаси бўлиб, замонавий ишлаб чиқариш шароитида ҳал этиш зарур муаммолардан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда худудий ресурсларни иқтисодий тежаб тақсимлаш ишлаб чиқариш объектларида фойдаланадиган хом-ашёси, қурилмалари, технологик жараёни автоматлаштириш, механизация ва оладиган маҳсулот турига, технологик жараёни ўзига хос томонларининг турли туманлиги билан фарқлашга қараб ишлаб чиқариш корхоналарини бир жойга тўплаган шароитида атроф-муҳит ва ишловчилар саломатлигига таъсир этувчи санитар ҳимоя минтақаларини (СХМ) ҳисобга олган ҳолда ҳамда ташкил этишга бўлган гигиеник талабларни ишлаб чиқиш ва гигиеник асослаш зарурдир<sup>1</sup>. Йирик корхоналарда ишчилар организмга меҳнат шароитларида ишлаб чиқариш таҳлика омиллари ўртасида зарарли бўлган кимевий омил ва чангининг хусусиятларини ўрганиш, организмга унинг узоқ вақтли таъсири туфайли, айниқса иш жойидаги бошқа омиллари билан биргаликда таъсир этиши натижасида ишчиларда касб касалликларнинг ўсиб бориши долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади<sup>2</sup>. Атроф-муҳит ҳолатининг ёмонлашуви пул маблағлари сарф ҳаражатини ортишига, бу эса маҳсулот тан нарҳини кўтарилишига ва натижада ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигининг камайишига олиб келади. Аммо ҳозирги кунгача санитар таснифга боғлиқ ҳолда ишлаб чиқариш минтақасининг ягона худудида саноат ишлаб чиқариш корхоналари, бинолари ва технологик жараён қурилмаларини жойлаштириш мезонлари ишлаб чиқилмаган.

Жаҳонда саноат корхоналарда ишчилар саломатлигига ишлаб чиқариш омилларининг таъсирини гигиеник баҳолаш профилактик тадбирларнинг юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда, жумладан, саноат худуди корхоналари асосий касбий гуруҳ ишчилари меҳнат жараёни шароитларини ташкиллаштирилганлигининг хусусиятларни ўрганиш; зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш омилларини гигиеник баҳолаш ва ишчиларида касбий ва касбга мойил касалликларни ривожланишида улар аҳамиятини аниқлаш; иш жойи ҳавоси ва ишлаб чиқариш майдон ҳавосининг ифлосланиш даражасига қиёсий тавсиф бериш ва улар ўртасидаги боғлиқлигини аниқлаш; ишлаб чиқариш минтақаси корхоналари ишчиларида касбий ва касбга мойил касалликларнинг структураси, даражаси ва умумий динамикасини аниқлаш; ишлаб чиқариш муҳити омиллари ва касбий хавф ўртасида сабаб-оқибат боғлиқликни аниқлаш; ишлаб чиқариш минтақаси корхоналарида касбий хавфни башорат

<sup>1</sup> Yogesh S.D., Zodpey S.P. Respiratory morbidity among street sweepers working at Hanumannager Zone of Nagpur Municipal Corporation, Maharashtra-Indian Journal Public Health. 2008. – Vol.52(3). – P. 147-149.

Imache A.E., Dousset S. Effects of sewage sludge amendments on pesticide sorption and leaching through undisturbed Mediterranean soils – Journal of Environmental Science and Health, Part B, 2012 – Vol. 47(3). – P. 161-167.

<sup>2</sup> Величковский Б.Т., Фишман Б.Б. Каталитические свойства пыли как критерии ее профессиональной опасности - Гигиена и санитария – 2002. -№3. – С.25-28.

қилиш ва бошқаришга услубий ёндошувни ишлаб чиқиш; ишлаб чиқариш муҳити зарарли омилларини бирга таъсир этиш шароитида ишлаб чиқариш минтақаси корхона ишчиларини меҳнат шароитини оптималлаштириш, умумий, касбий ҳамда касбга мойил касалликларни профилактикасига қаратилган соғломлаштирувчи чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш; иш шароитларнинг ўзгаришлари орқали юзага келадиган нуқсонларни эрта аниқлаш ҳамда олдини олишга қаратилган гигиеник меъёрлар яратиш кабилар алоҳида аҳамият касб этади.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белиглаб берилган «...аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, тиббиёт муассасаларининг моддий техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилиш тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш...» вазифасида муҳим аҳамиятни касб этади<sup>3</sup>.

Ўзбекистонда «Аҳолининг санитар эпидемиологик осайишталигини таъминлаш», «Эркин иқтисодий минтақалар» тўғрисидаги Қонунлари; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «2017-2012 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, «Эркин саноат минтақаларини тартибга солиш тўғрисида»ги, 2012 йил 13 апрелдаги ПФ-4436-сонли «Ангрен» махсус саноат минтақасини ташкил этиш», 2013 йил 18 мартдаги ПФ-4516 «Жиззах» махсус саноат минтақасини ташкил этиш» тўғрисидаги фармонлари; Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йил 18 майдаги ПҚ-2973-сонли «Тошкент шаҳрида кичик саноат зоналарини ташкил этиш», 2017 йил 10 августдаги ПҚ-3194-сонли «Тошкент вилоятида кичик саноат зоналарида ташкил этиш» тўғрисидаги қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>4</sup>.** Саноат ҳудудидаги корхоналарда ишчилар саломатлигига ишлаб чиқариш омилларининг таъсирини гигиеник баҳолаш атроф-муҳитни ифлослантиришни олдини олишга йўналтирилган қатор илмий изланишлар

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони

<sup>4</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: [www.bjut.edu.cn](http://www.bjut.edu.cn), [www.en.csu.edu.cn](http://www.en.csu.edu.cn), [www.umanitoba.ca](http://www.umanitoba.ca), [www.mundus-multic.org/partner/Rome](http://www.mundus-multic.org/partner/Rome), [www.bharathuniv.ac.in](http://www.bharathuniv.ac.in), [www.njust.edu.cn](http://www.njust.edu.cn), [www.u-tokyo.ac.jp](http://www.u-tokyo.ac.jp), [www.eng.skku.edu](http://www.eng.skku.edu), [www.eur.nl](http://www.eur.nl), [www.dal.ca](http://www.dal.ca), [www.tma.uz](http://www.tma.uz) [www.niisgpz.uz](http://www.niisgpz.uz) ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, University of Jahangirnagar (Бангладеш), Autynoma de San Luis Potosi (Мексика), Beijing University of Technology (Хитой), Central South University Republic of China (Хитой), University of Manitoba (Канада), University of Tokyo (Япония), Erasmus University Rotterdam (Голландия), Санитария гигиена ва касб касалликлари илмий тадқиқот институтида олиб борилмоқда (Ўзбекистон).

Саноат худудидаги корхоналарда ишчилар саломатлигига ишлаб чиқариш омилларининг салбий таъсирини олдини олишга қаратилган профилактик тадбирларнинг юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор, жумладан, қуйидаги илмий аҳамиятга эга натижалар олинган: атроф-муҳитнинг биологик таъсиридан ҳимояланиш чораларини ишлаб чиқилган (International Agency for Research on Cancer (АҚШ); саноат худудларида ҳаво кимёвий таркибининг ўзгаришининг аҳоли саломатлик ҳолатига таъсири ва онкологик касалликларнинг ривожланишида таҳлика омили эканлиги асосланган (Beijing University of Technology, Хитой); турли буюқлар билан ишлаётган корхоналар ишчиларига кўрғошин таъсирида қон босими ва буйрак фаолиятига таҳликали таъсири асосланган (Central South University, Хитой); турли иш шароитларидаги, оғир юк ташиш ва жисмоний зўриқишларнинг ишчиларда турли жароҳатланишларга олиб келувчи хавф омили эканлиги илмий исботланган (University Manitoba, Канада); саноат корхоналари ишчилари орасида иш шароити ва зўриқиш натижасида турли зарарли одатлар таъсирида сурункали касалликлар (QVLAS) ривожланишга боғлиқлиги исботланган (University of Tokyo, Япония); жисмоний зўриқиш, ортиқча вазн ва семириш ишлаш қобилиятининг пасайиши ва хавф омилларининг ривожланиши, ногиронликка олиб келиши тиббий кўрик натижалари асосида асосланган (Erasmus University Rotterdam, Голландия); саноат худудидаги ишлаб чиқариш омилларни таъсирида келиб чиқадиган касбий ва меҳнат шароитлари билан боғлиқ касалликларни олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилган (Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий- тадқиқот институти (Ўзбекистон)).

Дунёда саноат худудидаги корхоналарда ишчилар саломатлигига ишлаб чиқариш омилларининг таъсирини гигиеник баҳолаш, олдини олишни такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устивор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: турли саноат корхоналари зарарли омилларининг атроф-муҳит объектларига салбий таъсирини асослаш; турли саноат худудларида ишчиларга таҳлика омилларнинг салбий таъсирида келиб чиқадиган касб касалликларини олдини олишга қаратилган механизмларни яратиш; саноат худудида бир нечта корхонларни кимёвий омилга нисбатан оқилона гигиеник жойлаштириш мезонларини ишлаб чиқиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Адабиёт манбаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, хориж мамлакатларида ҳамда республика миқёсида келиб чиқиши турлича бўлган кимёвий моддаларни ҳавода юқори миқдорда аниқланган ишлаб чиқариш чиқиндиларини ўрганиш бўйича

тадқиқотлар ўтказилган ва ҳозирги вақтда ҳам ўтказилиб келинмоқда (Carrieri M., Tranfo G., 2009; Imache A.E., Dousset S., 2012; Cubillas-Tejeda A.C., Torres-Nerio R., 2011). Адабиёт манбаларини таҳлили натижасида ишлаб чиқаришдаги физик омилларга, чангланганликка бағишланган етарли даражада илмий ишлар олиб борилган, бунда баъзи олимлар фикрига кўра кўрсатилган омиллар саноат худудидаги етакчи зарарли омил бўлиб ҳисобланади (Manzoor J., Jaganadha R.R., 2002; Miyauchi H., Minozoe A., 2012). Бундан ташқари, узоқ хорижлик муаллифларнинг олиб борган ишларида ишловчилар организмига кимёвий моддаларнинг касбий таъсирини аниқлаш бўйича клиник тадқиқот натижалари келтирилган (Moorman W.J., Reutman S.S., et al., 2012). Ишловчилар организмига баъзи кимёвий моддаларнинг таъсирини индивидуал баҳолаш учун махсус усуллар ишлаб чиқилган (Hoet P., De Smedt E., et al. 2009). Бир қатор мамлакатлар олимлари томонидан ишчилар саломатлик ҳолатига ишлаб чиқариш муҳитидаги хавфли ва зарарли омиллари таъсири ўрганилди, уларнинг илмий тадқиқот ишлари асосан касбий ҳамда касбга мойил касалликларни ривожланиш сабабларини таҳлил қилишга бағишлангандир (Morken T., Tveito T.H., 2004; Tsai S.P., Wendt J.K., Ahmed F.S., 2005; Yogesh S.D., Zodpey S.P., 2008). Яқин хорижий муаллифларнинг бир қатор ишларида саноат худудида жойлашган корхоналар ўртасида энг зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш ҳисобланувчи кимё саноати ва нефтни қайта ишлаш корхоналари чиқиндилари таркибини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари акс эттирилган (Иванов А.В., Тафеева Е.А., 2001; Онищенко Г.Г., 2002; Леденцова Е.Е., Зайцева Н.В., 2004; Валеев Т.К., 2009). Саноат минтақалари ифлосланиш даражасига иқлим шароитларининг таъсирини ўрганиш билан МДХ давлатлар олимлари шуғулланиб, ноқулай иқлим шароитлари зарарли омилларнинг тўпланишига, уларнинг концентрацияси ортишига, атроф-муҳит объектларида узоқ вақт сақланишига олиб келишини аниқладилар, шунингдек улар чангланиш даражаси билан метеосароитлар ўртасида тўғри боғланиш мавжудлиги исботланди (Измеров Н.Ф., 2001; Чашин В.П., и др., 2014).

Шунга ўхшаш ишлаб чиқариш объектларидаги етакчи кимёвий омиллар таъсирини ўзига хос хусусиятларини ўрганишга йўналтирилган тадқиқотлар қуйидаги республикамиз олимлари томонидан ҳам олиб борилган; Феофанова С.Н. (2002), Азизходжаев А.Р. (2004), Саидахмедова З.Т. (2005), Вохидов А.Я. (2011), Рустамов М.С. (2012). Маҳаллий адабиётлар таҳлилида ишлаб чиқариш муҳитидаги зарарли ва хавфли омилларни ўрганишга бағишланган етарли миқдордаги илмий ишлар учраб, улар турли саноат тармоқларида алоҳида ишлаб чиқариш корхоналари меҳнат шароитларини шакллантиришда ишлаб чиқариш комплексидаги ифлосланиш даражасига таъсир этувчи омилларни аниқлашга бағишлангандир (Касьянова В.В., Хакимова М.У., 2000; Искандаров Т.И., Даниелянц Л.А., Алянская В.А., 2001; Самигова Н.Р., 2004; Шамансурова Х.Ш., Ибрагимова Г.З., 2005; Курбанова Ш.И., 2008; Славинская Н.В., Искандаров А.Б., 2011).

Ҳозирги кунгача ишлаб чиқаришдаги хавф омилларини биргаликдаги ва комбинациялашган таъсирини комплекс ҳолатида таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқотлар ўтказилмаган, ягона ишлаб чиқариш ҳудудида барча турдаги саноат ва ишлаб чиқариш объектларини, технологик жараёнлардаги ишлаб чиқариш хоналар, бино ва қурилмаларини жойлаштириш принциплари ишлаб чиқилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқот санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаси ИТСС-24-3 «Нефтьгаз саноатидаги компрессор цехлари ва магистрал газпровод ишчилари меҳнат шароитларини соғломлаштириш ва касбий касалланишни олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш» (2009-2011) амалий грант лойиҳасига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** саноат ҳудуди ҳавоси ифлосланиши ва меҳнат шароитларидаги омилларининг таъсирини гигиеник баҳолаш асосида касбий ва касбга мойил касалликлар профилактикасини чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш бўйича услубий ёндошувни такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Қирғули саноат ҳудуди корхоналари асосий касбий гуруҳ ишчилари меҳнат жараёни шароитларини ташкиллаштирилганлигининг хусусиятларини ўрганиш;

зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш омилларини гигиеник баҳолаш ва ўрганилаётган корхоналар ишчиларида касбий ва касбга мойил касалликларни ривожланишида улар аҳамиятини аниқлаш;

иш жойи ҳавоси ва ишлаб чиқариш майдон ҳавосининг ифлосланиш даражасига қиёсий тавсиф бериш ва улар ўртасидаги боғлиқлигини аниқлаш;

ишлаб чиқариш минтақаси корхоналари ишчиларида касбий ва касбга мойил касалликларнинг структураси, даражаси ва умумий динамикасини аниқлаш;

ишлаб чиқариш муҳити омиллари ва касбий хавф ўртасида сабаб-оқибат боғлиқликни аниқлаш;

ишлаб чиқариш минтақаси корхоналарида касбий хавфни башорат қилиш ва бошқаришга услубий ёндошувни ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқариш муҳити зарарли омилларини бирга таъсир этиш шароитида ишлаб чиқариш минтақаси корхона ишчиларини меҳнат шароитини оптималлаштириш, умумий, касбий ҳамда касбга мойил касалликларни профилактикасига қаратилган соғломлаштирувчи чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Қирғули саноат ҳудудидаги 49 нафар касбий-малака гуруҳидаги 6776 ишчи танлаб олинган; «Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи» (ФНҚИЗ), «Фарғонаазот» Акционерлик жамияти, «Фарғона иссиқликэлектр маркази» (ФИЭМ).

**Тадқиқотнинг предмети** саноат худуди корхоналари ишловчилари меҳнат шароитлари, касбий таҳлика омиллари, касбий ва касбга мойил касалланиш кўрсаткичлари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун ишда санитар-гигиеник, лаборатор, ҳисоб-китоб ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор саноат худудидаги ишчилар учун касбий хавфни биргаликдаги ва комбинацион таъсири аниқланган, йўл қўйиладиган меҳнат стажи ҳисобланиб, меҳнат шароитининг синфи асосланган;

ишлаб чиқариш минтақаси учун етакчи омил сифатида кимёвий омил асосланиб, касбий хавфнинг сифат ва миқдорига тавсиф берилди;

иш сменаси давомида хавфсиз иш вақтининг давомийлиги, касаллик ривожланишида касбий хавфнинг этиологик улуши исботланган;

ишлаб чиқариш майдонидаги ягона худудида жойлашган турли ишлаб чиқариш корхоналари учун хавфсиз ишлаб чиқариш химоя минтақасига биринчи бор таъриф берилган ҳамда етакчи кимёвий хавф омилини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш худудини хавфсиз тақсимлаш учун мезонлар ишлаб чиқилган;

республикамиздаги саноат худудлари ягона минтақасида жойлаштирилаётган корхоналардаги касбий хавфни бошқариш бўйича услубий ёндошув, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштирилиши ва оқилона режалаштирилиши гигиеник асослари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

меҳнат шароитларини ўрганиш бўйича олиб борилган санитар-гигиеник, лаборатория текширувлари натижалари асосида касбий хавфликлар, саноат худуди асосий касбий малака гуруҳлари меҳнат шароитлари синфлари ва йўл қўйиб бўладиган иш стажи аниқланган;

худудни иқтисодий тежаб режалаштириш мақсадида турли саноат корхоналари учун илк бор ҳисоб-китоб усулларини қўллаш асосида зарарли ва хавfli омиллар таъсири мавжуд бўлган корхоналар тоифаланган;

нефтни қайта ишлаш ва кимёвий ишлаб чиқариш объектлари фаолият кўрсатаётган саноат мажмуалари корхоналарини бирлаштириш бўйича гигиеник талаблар ишлаб чиқилган;

касбий хавфликларни бошқариш тизимини такомиллаштириш алгоритми ишлаб чиқилган;

тадқиқот натижалари меъёрий, гигиеник ва услубий ҳужжатлар кўринишида қўлланилган;

тавсия этилган меъёрий ҳужжатлар республика, вилоят ва шаҳар давлат санитария эпидемиология назорат марказлари (ДСЭНМ) да аҳоли турар жой минтақалари атроф-муҳитини кимёвий омиллар таъсиридан химоя қилиш бўйича соғломлаштирувчи чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имконини берган;

корхоналарда огоҳлантирувчи ва жорий санитария назорати олиб боришда фойдаланиш имконини берган;

шаҳар меъморчилик-қурилиш бошқармалари; меҳнат шароити омилларини ўлчаш ва баҳолашни ўтказадиган нефткимё тармоқ корхоналари, ишлаб чиқариш лабораториялари фойдаланиши кўзда тутилган (ЎЗР Энергетика Вазирлиги, «Ўзстандарт» Агентлиги, «Ўзнефтмахсулот» Акционерлик Компанияси (АК) ва «Ўзкимёсаноат» АК).

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** ишда қўлланилган назарий ёндошув ва усуллар, олиб борилган илмий тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада олиб борилган иш жойларидаги ўлчашлар ҳажми ва турлари, касалланишни ўрганишда тадқиқот учун олинган касбий-малака гуруҳ ишловчилар сони билан, уларга бири иккинчисини тўлдирадиган санитария-гигиеник, лаборатория, ҳисоб-китоб ва статистик усулларини қўлланилиши ёрдамида ишлов берилганлиги, саноат худудида ишлаб чиқариш корхоналарининг улардаги зарарли ва хавфли омилларини ҳисобга олган ҳолда оқилона жойлаштириш мезонларини ишлаб чиқиш асосида турли усулларни қўлланилгани, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг назарий аҳамияти шундан иборатки ишлаб чиқариш худудини хавфсиз гуруҳларга ажратиш мезонларини ишлаб чиқиш, саноат ягона худудида ишлаб чиқариш кучларини хавфсиз ва иқтисодий самарали жойлаштирилишини таъминлаб бериш мақсадида хавфли кимёвий ифлослантувчи корхоналар тоифаларини ва саноат мажмуалари корхоналарини бирлаштириш учун талабларни аниқлашдан иборат. Тадқиқотларнинг амалий аҳамияти шу билан белгиланадики, Ўзбекистон Республикаси саноат корхоналари учун 7 та услубий тавсияномалар ишлаб чиқилган бўлиб, улар республика ишлаб чиқариш соҳаси қатор зарарли ва хавфли меҳнат шароитларида ишлаётган ишчиларнинг хавфсиз иш стажини, меҳнат фаолиятларини давом эттиришга, саноат худудлари ҳаво муҳитини яхшилашни таъминлаган ҳолда амалиётда ДСЭНМ тузилмасида меҳнат шароитларини талаб даражасига келтириш бўйича назоратни амалга оширувчи давлат органлари, корхоналар, ташкилотлар ҳамда мансабдор шахсларнинг амалий фаолиятида фойдаланиш имконини берган.

Ишнинг амалий аҳамияти шундан иборатки олинган илмий натижалар ишлаб чиқариш корхоналардаги зарарли ва хавфли омилларни комплекс таъсир этишни ҳисобга олган ҳолда саноат ягона худудида корхоналарни жойлаштириш принципларини ишлаб чиқиш, саноат худуди атрофида жойлашган аҳоли яшаш жойларида кимёвий моддалар миқдорини аниқлаш йўли билан атроф-муҳит ҳавоси ҳолатини доимий назорат қилиш имконини берди.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:** саноат худудидаги корхоналарда ишчилар саломатлигига ишлаб чиқариш омилларининг таъсирини гигиеник баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Саноат мажмуасида чангни идентификация қилиш, унинг физик-кимёвий хусусиятлари ва организмга таъсири» услубий тавсияномалар

тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 03 апрелдаги 8н-д/68-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсияномалар саноат корхонлари иш жойларида чангланганлик таъсирида келиб чиқадиган касбий ва меҳнат шароитлари билан боғлиқ касбий касалликларни камайтириш имконини берган;

«Зарарли меҳнат шароитларида ишловчи ходимларни, меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлган самарадор якка тартибдаги ҳимоя воситаларини қўллаш натижасида меҳнат шароитлари синфини камайтириш услуги» услубий тавсияномалар тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 03 апрелдаги 8н-д/68-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсияномалар ишлаб чиқариш корхоналари ишчиларини зарарли ва хавфли омиллари таъсирдан муҳофаза қилиш мақсадида шахсий ҳимоя воситаларини самарали қўллаш ва уларни меҳнат шароитлари синфини аниқлашда саноат корхонлари иш жойларида чангланганлик таъсирида келиб чиқадиган касбий ва касбга мойил касалликларни камайтириш имконини берган;

«Нефтни қайта ишлаш ва кимёвий ишлаб чиқариш корхоналаридан таркиб топган саноат мажмуаларини бирлаштириш учун гигиеник талаблар» услубий тавсияномалар тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 03 апрелдаги 8н-д/68-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсияномалар ягона ишлаб чиқариш инфраструктурасига бир нечта саноат объектларини бирлаштирилганда, корхоналар ҳаво бассейнини ифлосланишини олдини олиш касбий ва касбга мойил касалликларни камайтириш имконини берган.

«Меҳнат шароитларида биологик омилни баҳолаш усули» услубий тавсияномалар тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 03 апрелдаги 8н-д/68-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсияномалар биологик омиллар мавжуд бўлган иш жойларида ва микроорганизм билан мулоқотда бўладиган иш жойларини баҳолаш тартибини ўрнатиш имконини берган;

«Ишловчилар саломатлик ҳолатига меҳнат шароитларининг таъсирини комплекс таҳлили учун касбга мойил касалликларининг кўрсаткичлари ва уни баҳолаш мезонлари» услубий тавсияномалар тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 03 апрелдаги 8н-д/68-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсияномалар ишлаб чиқаришда касбга мойил касалланишини олдини олиш ва меҳнат шароитини баҳолаш имконини берган.

Саноат ҳудудидаги корхоналарда ишчилар саломатлигига ишлаб чиқариш омилларининг таъсирини гигиеник баҳолаш самарадорлигини ошириш, ишларнинг иш шароитлари билан боғлиқ касбий касалликларини олдини олиш ва иш шароитларни яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Республика ва Тошкент шаҳар Давлат санитария эпидемиология назорати маркази, Фарғона нефтни

қайта ишлаш завод амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 17 майдаги 8н-д/89-сон маълумотномаси).

Саноат хуудларида жойлашган ишлаб чиқариш корхоналарида ишловчилар организмига хавfli ва зарарли омиллар таъсирини оқилона гигиеник баҳолаш, уларни салбий таъсирини олдини олиш, асосий касбий малака гуруҳлари иш жойлари меҳнат шароитлари тўғри тақсимланиши ташкиллаштириш, касалликларни эрта аниқлаш, иш шароитларни ўзгартириш натижасида саноат хуудидидаги корхоналар ишловчилари орасида касб билан боғлиқ касалланишлар даражаси 15,8 % камайган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 14 та илмий анжуманларда, жумладан 9 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 35 та илмий иш, улардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган 10 та журналдаги мақолар бўлиб, 3 таси хорижий ва 7 таси республика журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 180 бетни ташкил этган

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотларнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Саноат хуудлари, уларни жойлаштиришнинг ўзига хос томонлари, ўзаро фаолият кўрсатишнинг замонавий муаммолари**» деб номланган биринчи бобида ишлаб чиқариш минтақалари ҳолатини ўрганиш бўйича илмий иш натижалари, турли саноат соҳаларига таалуқли маълум корхоналарда зарарли ва хавfli омиллар мажмуасини биргаликдаги ва комбинациялашган таъсирини ҳисобга олиш бўйича маълумотлар, шунингдек, дунё тажрибаси асосида ишлаб чиқариш минтақалари ифлосланиши билан боғлиқ бўлган ва уларнинг атроф-муҳитга таъсир этиш муаммолари, ҳамда саноат хуудиди ифлосланиши билан боғлиқ муаммоларини ҳал этиш замонавий йўллари бағишланган илмий ишлар натижалари баён этилган.

Диссертациянинг «**Саноат хуудидидаги корхоналарда касбий таҳлика омилларини аниқлаш бўйича усул ва материаллар**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотларнинг объекти, ҳажми ва усуллари келтирилган.

Илмий тадқиқотларни ўтказишда ишлаб чиқариш омилларининг мажмуавий ишловчилар организмига таъсирини ўрганиш ва баҳолаш учун асосий касбий гуруҳлар танлаб олинган: ФНҚИЗ дан – 20 касбий гуруҳ (3564 нафар ишчи); «Фарғонаазот» Акционерлик Жамияти - 20 касбий гуруҳ (2877 нафар ишчи); «Фарғона исскликэнергия Маркази» - 9 та касбий гуруҳ (355 нафар ишчи). Ушбу касбий малакавий гуруҳлар меҳнат шароитлари йилнинг турли мавсумларида етакчи ўринни эгалловчи ишлаб чиқариш омилларини аниқлаш йўли билан ўрганилди. Иш куни динамикасида иш ўринларида шовқин ва тебраниш, ҳавонинг чангланганлик ва газланганлик даражалари, микроиклим кўрсаткичлари ўлчанди. Метеорологик шароитларни ўлчаш йилнинг иссиқ ва совуқ даврида «Иш жойларида микроиклим кўрсаткичларини ўлчашни бажариш усули» услубий тавсияномалар (Тошкент, 2013) асосида ўтказилди ва ЎзР СанҚваМ №0324-16 «Ишлаб чиқариш хоналарида микроиклимнинг санитар-гигиеник меъёрлари» билан баҳоланди. Ишлаб чиқариш хоналарида ҳарорат, нисбий намлик ва ҳаво ҳаракат тезлиги каби микроиклим кўрсаткичларини ўрганиш мақсадида «М-ВЕК» метеоскоп асбобидан фойдаланилди. Иситувчи қурилмалардан ҳосил бўлаётган иссиқлик оқими интенсивлигини аниқлаш ёки ишлаб чиқаришдаги турли энергиянинг, умумий иссиқлик таъсирини ўрганиш учун актинометр асбоби қўлланилди. Ҳаво муҳити чангланганлиги «Меҳнат шароитларини баҳолаш бўйича лаборатор текширувларда зарарли ва хавфли омилларни идентификация қилиш» (Тошкент, 2013) услубий кўрсатмасига биноан аниқланди, ЎзР СанҚваМ №0294-11 «Гигиеник меъёрлар. Ишчи зонаси ҳавосида зарарли моддаларнинг рухсат этилган миқдори (РЭМ)», ДавСТ 12.1.005-88 «Иш жойлари ҳавосига бўлган умумий санитария-гигиеник талаблари» кўрсаткичларига мос равишда баҳоланди. Ўлчаш учун автоматик ҳаволи аспиратор АПВ-4 220В-40 (Россия) фойдаланилган. Чанг этиологияли касбий касалликлар башорати учун чанг юкламаси ва йўл қўйиладиган иш стажи «Чанг юкламасига боғлиқ бўлган чанг этиологияли касб касалликларини гигиеник башорати» услубий тавсияномалар бўйича аниқланилган (Тошкент, 2002). Ишлаб чиқариш хоналарида ҳаво газланганлиги ва унинг кимёвий таркибини аниқлаш мақсадида АНТ-3М анализатор-течеискатели асбоби фойдаланилган; олинган натижалар ЎзР СанҚваМ №0294-11 «Гигиеник меъёрлар. Иш зонаси ҳавосида зарарли моддаларнинг рухсат этилган миқдорлари (РЭМ)» бўйича баҳоланган. Ёруғлик муҳитини ўлчаш «Иш жойларида ёритилганлик кўрсаткичларини ўлчашни бажариш усули» (Тошкент, 2013) услубий кўрсатма асосида бажарилиб, Аргус-01 люксметридан фойдаланилди. Ёритилганлик даражалари ҚМҚ 2.01.05-98 «Табиий ва сунъий ёритилганлик» бўйича баҳоланган. Иш ўринларида шовқин ва тебраниш даражалари ВШВ-003-М3 асбоби ёрдамида аниқланилди, бунда Меҳнатни хавфсизлигини таъминлаш бўйича Стандартлар Тизими (МХСТ) ДавСТ 12.1.050-86 «Иш жойларида шовқинни ўлчаш усуллари» га мос равишда баҳоланди. Олинган натижалар ЎзР СанҚваМ №0325-16 «Иш жойларида шовқин даражаларининг рухсат

этилган санитария меъёрлари» ва №0326-16 «Иш жойларида умумий ва маҳаллий тебранишнинг санитария меъёрлари» асосида баҳоланган.

Электромагнит майдонини ўлчаш «Иш жойларида электромагнит майдонларни ўлчашни бажариш усули» (Тошкент, 2014) бўйича яқин майдон кучланганлигини аниқловчи NFM-1 асбоби ёрдамида амалга оширилди, олинган натижалар ЎзР СанҚваМ №0113-04 «Саноат частотасидаги (50 ГЦ) электр майдонларини рухсат этилган даражаларининг санитария меъёрлари» кўрсаткичлари билан баҳоланган.

Меҳнат шароитининг оғирлиги ва зўриқиши «Меҳнат оғирлиги ва кескинлиги бўйича баҳоланишнинг мезонлари ва таснифи тўғрисида» (Москва, 1983), «Иш жараёнлари оғирлиги ва кескинлигини баҳолаш» (Москва, 1987) тавсияномаларда кўрсатилган усуллар ёрдамида ўрганилган.

Синфлар ва зарарлилик даражаси бўйича меҳнат шароитларини умумий баҳолаш «Меҳнат шароитлари бўйича иш жойларини шаҳодатлаш ва меҳнат шароитларини баҳолаш усули», ЎзР СанҚваМ №0141-03 03 «Иш жараёни оғирлиги ва кескинлиги, ишлаб чиқариш муҳитининг зарарлилик ва хавфлилик кўрсаткичлари бўйича меҳнат шароитлари гигиеник тавсифи» бўйича аниқланди. Касбий хавфлилик «Касбий таҳликани башорат қилиш моделини ва ишловчилар саломатлиги учун профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича услубий қўлланма» (Тошкент, 2005), «Касбий таҳлика ва хавфлиликларнинг идентификацияси» (Тошкент, 2013) бўйича аниқланган. Жами мавжуд бўлган зарарлиликни адекват аниқлаш учун барча ишлаб чиқариш омилларни ҳисобга олган ҳолда доимий иш ўринлари учун зарарлилик индекс (ЗИ) кўрсаткичи ҳисоблаш формулалар орқали аниқланган.

Ишчилар саломатлиги ҳолатини баҳолаш учун вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотиш бўйича касалланиш ўрганилди. Бунда 2010-2014 йиллар динамикасида ишлаб чиқаришда фаолият юритувчи ишчиларнинг даволаш-профилактика муассасаларига мурожаати бўйича олинган маълумотлардан фойдаланилди. Бунда бирламчи ҳужжат ишчиларнинг меҳнатга яроқсизлик варақалари бўлиб, улардаги маълумотларни нусхалаш асосида вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотиш таҳлили ўтказилди. Таҳлил натижасида иккита гуруҳ танлаб олинди: 1-чи гуруҳ ишчилари ноқулай ишлаб чиқариш касбий омиллари таъсирига учраган ишчилар бўлиб, баъзи ҳолларда ушбу таъсирларнинг катталиклари рухсат этилган меъёрлардан ортиқ бўлди; 2-чи назорат гуруҳига корхонанинг маъмуриятида фаолият юритувчи ишчилар киритилди. Ҳисобга олиш бирлиги сифатида йил давомида бир ёки бир неча марта касалликка чалинган ишчилар олинди. Бунда куйидагилар ҳисобланди: 100 нафар ишчига нисбатан касалликлар бўйича вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотиш (ВМК ҳодисалар сони/КР ×100); ВМК бўйича битта ходисанинг ўртача кечиши давомийлиги (кунларнинг умумий сони/ходисалар сони); 100 та ишчига нисбатан олинган ВМК кунлар сони (кунлар йиғиндиси ВМК/КР×100); турли касаллик шакллари бўйича ВМК структураси ва частотаси. Ишчиларнинг жинси, ёши, стажи ва касбига қараб, касалланиш ҳолатини чуқурлаштирилган таҳлили

ўтказилди. Касалланиш бўйича маълумотлар таҳлили 10-чи қайта қўрилган «Саломатлик билан боғлиқ бўлган касалликлар ва муаммоларнинг Халқаро статистик таснифи» бўйича олиб борилди.

Ишлаб чиқариш муҳитидаги омилларни алоҳида лаборатория ўлчашлари ўтказилиб 16801 тани ташкил этди, бу эса мазкур илмий иш ҳажмини белгилаб берди.

Тадқиқот натижасида олинган маълумотларни статистик усулда қайта ишлаш учун вариацион статистика усулларидадан фойдаланилди, унда ўртача арифметик ҳисоблаш ( $M$ ), ўртача квадратик силжиш ( $\pm\sigma$ ), ўртача стандарт хатолик ( $\pm m$ ) ва нисбий хатоликлар (сони, %) олинди. Ўртача катталликларни таққослашда олинган ўзгаришларни статистик ахамияти Стьюдент мезони ( $t$ ) бўйича аниқланди, бунда хатоликлар эҳтимоллиги ҳисобланди ( $P$ ). Статистик белгилар ўлчами бўлиб, ишончилиқ даражаси қабул қилинди ( $P < 0,05$ ).

Диссертациянинг «Саноат ҳудудида жойлашган объектлар ишлаб чиқариш муҳитини ҳолатини гигиеник баҳолаш» деб номланган учинчи бобда Қирғули саноат ҳудуди корхоналарида технологик жараёнларни модернизация қилиш даражаси ва ташкил этиш материаллари акс эттирилган, касбий таҳликага оид маълумотлар ёритилган, меҳнат шароитининг гигиеник ўзига хос томонлари баён этилган.

Фарғона нефтни қайта ишлаш корхонасининг асосий ишлаб чиқариш цехларидаги 20 та касбий малакавий гуруҳларида меҳнат шароитини ўрганиш натижасида ишлаб чиқариш таҳликасининг миқдор ва сифат тавсифи аниқланди: иш жойи ҳавосининг газланганлиги, ишлаб чиқаришдаги шовқин ва тебраниш. Кимевий омил цех ҳавоси таркибидаги куйидаги моддалар билан белгиланди: углерод оксиди, олтингугурт ангидриди, азот оксиди, аммиак, сероводород, хлор, толуол, бензол, ацетон, углеводород, керосин, минерал нефт ёғлари, фенол, нефт олтигугурти, бензин, метилэтилкетон, ўювчи ишқор, дизел ёғилғиси. Технологик қурилмаларни таъмирловчи чилангарлар, сувга туширилувчи насосларни таъмирловчи ва монтаж қилувчи чилангарлар ва электромонтажчилар иш иш ўринлари ҳавосида азот оксиди (III хавфлилик синфи) аниқланган миқдори РЭМдан  $2,0-3,1 \text{ мг/м}^3$  марта юқори, электр қурилмаларни таъмирловчи ва уларга хизмат кўрсатувчи электромонтерлар иш ўринларда эса  $4,6 \text{ мг/м}^3$  марта юқори (РЭМ –  $5 \text{ мг/м}^3$ ). Фақат технологик қурилмаларни таъмирловчи чилангарнинг иш ўрнида олтингугурт ангидриди (IV хавфлилик синфи) аниқланган миқдори меъёрдан  $3,3 \text{ мг/м}^3$  юқори эканлиги аниқланди (РЭМ –  $10 \text{ мг/м}^3$ ). Цех ҳавоси таркибида азот оксиди, олтингугурт ангидриди ва бошқа кимевий бирикмаларни меъёрдан ортиқ бўлишига асосий сабаб бўлиб, техник жиҳозлар ва электр қурилмалардан фойдаланиш қоидаларнинг бузилиши, герметизация бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар устидан назоратининг етарли эмаслиги, самарали вентиляция тизимининг мавжуд эмаслиги, шунингдек меҳнат жараённинг нораціонал ташкил этилганлиги ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш шовқиннинг эквивалент даражаси куйидаги иш ўринларида меъёрий катталиклардан юқори бўлиши маълум бўлди: технологик қурималарни таъмирловчи чилангарлар, электромонтажчи-чилангар, сувга туширувчи насосларни таъмирловчи ва монтажчи чилангарлар, электр қурилмаларини таъмирловчи ва уларга хизмат кўрсатувчи электромонтерлар, компрессор қурилмалар машинистлари. Эквивалент даража кўрсаткичлари коррекцияланган ишлаб чиқариш тебраниш даражасини баҳолаш шуни кўрсатдики, технологик қурилмаларни таъмирловчи чилангарлар ва компрессор қурилма машинистлари иш ўрнида тебраниш даражаси меъёрий кўрсаткичлардан юқори.

Демак, умумий қабул қилинган гигиеник таснифга кўра (ЎЗР СанҚваМ №0141-03) зарарли ишлаб чиқариш муҳит омиллари билан ишловчи касбий малакавий гуруҳларнинг асосий меҳнат шароитлари: электромонтаж чилангари, сувга туширувчи насослар таъмири ва монтажи бўйича чилангарлар, технологик қурилмаларни таъмирловчи чилангарлар, технологик қурилмалари оператори, маҳсулот оператори, газга ажратиш аппарати ишчиси, қурилмалар механиги, компрессор қурилмалар машинисти, 3 «хавфли» синфининг 3 даражасига киради (3.3). Қўлда бажарадиган электропайвандчи, электрогазпайвандчиси, электр қурилмаларни таъмирловчи ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича электромонтерларнинг меҳнат шароитлари 3 «хавфли» синфининг 4 даражали деб баҳоланди (3.4).

Шундай қилиб, ФНҚИЗ ишловчилари меҳнат шароитларини ўрганиш натижалари етакчи ишлаб чиқариш омилларини ажратиб олишга имкон берди - кимёвий омил, ишлаб чиқаришдаги шовқин ва тебраниш, улар касбий таҳлика омили бўлиб ҳисобланади.

«Фарғонаазот» АЖ нинг 7 та асосий ишлаб чиқариш цехларидаги 20 та касбий малакавий гуруҳлар меҳнат шароитларини ўрганиш шуни кўрсатдики, улардаги асосий касбий таҳлика омиллари сифатида етакчи ўринни иш жойи ҳавосининг газланганлиги кўрсатилди. Цехларда аппаратчилар (абсорбциялаш, десорбциялаш, гранулалаш, буғлатиш, насос қурилмалари ва нейтралзациялаш), насос қурилма машинистлар, электр қурилмаларни таъмирловчи электромонтерлар ва чилангангар иш ўринларида азот оксиди миқдорининг  $2,2-2,9 \text{ мг/м}^3$  га юқори бўлиши (РЭМ  $5 \text{ мг/м}^3$ ), аппаратчилар (синтез, абсорбциялаш, десорбциялаш, гранулалаш ва буғлатиш) ҳамда электр қурилмаларнинг электромонтерлари иш ўринларида олтингугурт ангидриди миқдори меъёрдан  $2,1 \text{ мг/м}^3$  юқори бўлиши (РЭМ -  $10 \text{ мг/м}^3$ ) кузатилди. Иш ўринлари ҳавосида кимёвий моддаларнинг сифат ва миқдорий таркиби турли касб гуруҳларида турлича бўлиши аниқланди. Бу ҳолат технологик жараённинг ўзига хослиги, фойдаланиладиган хом-ашё тури, бажариладиган иш моҳиятига боғлиқ.

Ишлаб чиқаришнинг турли босқичларида аппаратчилари ва асосий цех машинистлари иш ўринларида ишлаб чиқариш шовқини ва тебраниши аниқланди ва натижалар ўртача частоталарда меъёрдан юқори бўлишини кўрсатди: хом-ашёни тайёрловчи аппаратчилар иш ўринларида шовқин – 10

дБА ( $90 \pm 0,02$  дБА), синтез, абсорбция, десорбция, гранулалаш, буғлатиш аппаратчиларида – 12 дБА ( $92 \pm 0,14$  дБА), совунланиш, ацетонлаш, ювиш аппаратчиларида - 8 дБА ( $88 \pm 0,09$  дБА), буғлатиш, абсорбциялаш ва экстрагирлаш аппаратчиларида – 6 дБА ( $86 \pm 0,21$  дБА), электролиз аппаратчиларида – 8 дБА ( $88 \pm 0,01$  дБА), фильтрация, гранулалаш, нейтролизация, хом-ашёни тайёрлаш машинистлари иш ўринларида – 12 дБА ( $92 \pm 0,15$  дБА). Коррекцияланган эквивалент даражаси бўйича ишлаб чиқаришдаги тебраниш кўрсаткичлари технологик жараённинг турли босқичларида фаолият кўрсатувчи аппаратчилар ва машинистлар иш ўринларида РЭД дан юқори бўлди.

«Фарғонаазот» АЖ да асосий таҳлика омили сифатида ишлаб чиқариш микроклими топилди. Бунда йилнинг иссиқ даврида цехларда микроклим кўрсаткичларини ўрганиш аппаратчилар (хом-ашёни тайёрловчи, синтезловчи, абсорбциялаш, десорбциялаш, гранулалаш, буғлатиш, совунланиш, ацетиллаш ва ювиш, буғлатиш, абсорбция ва экстрагирлаш), таъмирловчи чилангарлар ва аммиак цехи электромонтерлари, целлюлозанинг мураккаб эфирларини ишлаб чиқарувчи цех электромонтерлари, олтингугурт ангидрид ва сирка кислотани регенерациялаш ишлаб чиқариш цехи чилангар-таъмирловчилар иш ўринларида ҳаво ҳароратининг сезиларли ортишини кўрсатди. Ҳаво ҳароратини рухсат этилган меъёрлардан юқори бўлиши иш сменаси давомида сақланиб турди ва кўрсаткич ўртача меъерий каттакликлардан  $5,2-8,5$  °С га ошди. Меъерий кўрсаткичлар билан таққослаш натижасида йилнинг совуқ даврида ҳаво ҳарорати  $0,4-0,8 \pm 0,06$  °С га пасайиши аппаратчилар (совунланиш, ацетиллаш ва ювиш, абсорбция ва экстрагирлаш) иш ўринларида ва ҳаво нисбий намлигининг 2-7 % га ортиши турли йўналиш аппаратчилари, таъмирловчи чилангарлар ҳамда электромонтерлар иш ўринларида аниқланди. Юқорида келтирилган натижалардан келиб чиқиб, кўпгина касбий малака гуруҳлари меҳнат шароитлари ЎзР СанҚваМ №0141-03 асосида 3 «хавфли» синфга киради: чилангарлар (электрмонтажчи, сувга туширувчи насосларни таъмирлаш ва монтаж қилувчи, технологик қурилмаларни таъмирловчи), операторлар (технологик қурилмалар бўйича, хом-ашё бўйича), газларга ажратиш аппаратчилар, қурилма механиклари, компрессор қурилма машинистлари меҳнат шароити 3 «хавфли» синфининг 3 даражаси (3.3); қўлда пайвандловчи электропайвандчи, электргаз-пайвандчилари, электр қурилмаларини таъмираш ва хизмат кўрсатувчи электромонтерлар - 3 «хавфли» синфининг 4 даражаси (3.4). билан баҳоланди.

ФИЭМ даги 9 та касбий малакавий гуруҳларнинг меҳнат шароитларини ўрганиш иш сменаси давомида энг номақбул омили сифатида ноқулай микроклими кўрсатилди. Йилнинг иссиқ даврида микроклим кўрсаткичларини баҳолашда барча иш ўринларида ҳаво ҳароратининг юқори бўлиши қайд этилди: энг юқори кўрсаткичлар қозонхона машинистлари иш ўринларида ( $+43,6$  °С, 2а тоифали доимий ишлар учун меъёр  $+22-30$  °С дан ошмайди); энг паст кўрсаткичлар электрпайвандловчилар иш ўрнида ( $+31,2$  °С, 2а тоифали доимий бўлмаган ишлар учун меъёр  $+20-30$  °С дан ошмайди)

аниқланди. Йилнинг совуқ даврида қозонхона машинистлари иш ўринларида ҳаво ҳарорати  $+25^{\circ}\text{C}$  кўрсатди, меъёри  $+17-23^{\circ}\text{C}$  га тенг бўлиши керак. Нисбий намлик кўрсаткичлари йил давридан каътий назар меъёрий катталиклардан фарқ қилмаган.

ФИЭМ бевосита иссиқлик энергияни ишлаб чиқиш жараёни билан боғлиқлигини, бунда иссиқлик чиқарувчи манбалар (иситувчи қурилмалар, буғли турбиналар қизиган сатҳлари) мавжудлигини ҳисобга олиб, таҳлика омили сифатида иссиқлик нурланиш жадаллиги (IR) кўрсатилди, у қабул қилинган меъёрлардан ошиб кетишини яъни  $12000 \text{ Вт/м}^2$  гача кўтарилишини қозонхона ва буғли турбина машинистлари, қозонхона ва буғли турбина қурилмаларига хизмат кўрсатувчи чилангарлар иш ўринларида кўрсатди.

Тадқиқот ўтказиш вақтида аниқландики, ўрганилаётган касб эгалари шахсий ҳимоя воситаларидан, шу жумладан кўз ва юзни ҳимоя қилувчи воситалардан фойдаланади. Ишчилар танасига нурланиш даражасининг таъсир этиш фоизи ўрганилганда иш жараёнида улар танасининг 25% қисми нурланишга учрайди. Нурланиш даражасини (Q) аниқлашда, олинган маълумотларни гигиеник меъёрлардан ортиқ бўлишини кўрсатди. Натижаларни меъёрлардан ортишини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг меҳнат шароити синфлари аниқланди, шундай қилиб у 3 «хавфли»синфининг 2 даражасига таалуқли эканлиги (3.2) ва ушбу маълумотлар асосида ишчилар учун йўл қўйиладиган иш стажи ҳисоблаб чиқилди, буғли турбина ва қозонхона машинистлари, турбина ва қозонхона қурилмаларига хизмат кўрсатувчи чилангарлар учун 13 йил ташкил этди.

Электрпайвандчилар ва электргазпайвандчиларнинг иш ўринлари ҳавосига хос бўлган фиброген таъсирига эга чанг, конденсация аэрозолларининг мавжудлиги аниқланган ва мазкур касб эгалари иш ўринларида йилнинг иссиқ даврида улар миқдори ишонарли равишда ( $P < 0,05$ )  $7,6 \pm 7,3$  ва  $7,8 \pm 7,0 \text{ мг/м}^3$  га ошган (РЭМ –  $6 \text{ мг/м}^3$ ). Йилнинг совуқ даврида эса чанг миқдори РЭМ дан ошмаган. Чанг идентификацияси, таснифга кўра келиб чиқиши бўйича аралаш турига (органик ва аорганик), ҳосил бўлиш усулига кўра конденсация аэрозоллари (электрпайвандлаш), дисперслиги бўйича – микроскопик чангга ( $0,25 \text{ мкм}$  дан катта) таалуқлигини кўрсатди. Чанг таркибидаги диоксид кремний аралашмаси ( $\text{SiO}_2$ ) 2% дан кам бўлган миқдорни ташкил этиши аниқланди.

Товушнинг эквивалент даражаси бўйича ишлаб чиқариш шовқин даражасининг максимал ортиши буғли турбина машинистлари (94 дБА) ва қозонхонага хизмат кўрсатувчи ва турбина қурилмалари чилангарлари (92 дБА) иш ўринларида кузатилди, РЭД 80 дБА белгиланган.

Ишлаб чиқаришнинг асосий цехларида меҳнатни гигиеник шароитини ўрганиш натижаларига кўра куйидаги етакчи хавф омиллари индентификация қилинди: исстиувчи микроиклим, шу қаторда иссиқлик нурланиши, иш жойи ҳавосининг чангланганлиги, ишлаб чиқариш шовқини. ЎзР СанҚваМ №0141-03 бўйича ФИЭМ ишлаб чиқаришидаги қозонхона машинистлари, қозонхона қурилмаларига хизмат кўрсатувчи чилангарлар, турбина қурилмаларига хизмат кўрсатувчи чилангарлар, буғли турбина

машинистлари, электрпайвандчилар ва электргазпайвандчилар меҳнат шароити 3 «хавфли» синфининг 3 даражасига тўғри келди (3.3).

Қиргули саноат худуди ишлаб чиқариш корхоналари ишчилари меҳнат шароитларини баҳолашда келиб чиқиши турлича бўлган бир нечта хавф омилларининг биргаликдаги таъсири ҳисобга олинди. Агар иш ўринларида учта ишлаб чиқариш омили таъсир этиб, уларни баҳолашда учтаси 3 синф 1 даражага тенг бўлиши аниқланса ёки 2 та омил таъсир этса ва у 3 синф 2 даража ёки 3 ёки 4 даражалар (3.2; 3.3; 3.4) билан баҳоланса, умумий меҳнат шароитлари синфи бир пағонага кўтарилади. Иш жойи ҳавоси таркибида бир йўналишли таъсирга эга бўлган кимёвий моддалар аниқланган бўлиб, азот оксиди, сероводород, углерод оксидларнинг фактик миқдорларининг суммацияси ўтказилди (Аверьянов формуласи), олинган натижалар меъёрдан ошди.

Қиргули саноат худуди ишлаб чиқариш корхоналарида шовқинни ўрганиш куйидагиларни кўрсатди: иш сменаси давомида доимий бўлмаган таъсирга эга, кенг йўллик, келиб чиқиши бўйича механик шовқин, частотаси бўйича ўртача частотали ҳисобланади. Тебранишнинг сифат тавсифи ўрганилиб, у умумий (технологик, транспорт-технологик) тебраниш турига кириб, доимий бўлмаган таъсирга эга, частотаси бўйича ўрта ва юқори частоталидир.

Шундай қилиб, ўрганилган ишлаб чиқариш корхоналарининг меҳнат шароити ишлаб чиқариш муҳитининг зарарли ва хавфли омил кўрсаткичлари бўйича, меҳнат жараёнининг оғирлиги ва кескинлигига кўра 3 «хавфли» синфининг 3 ва 4 даражасига таалукли, касбий хавф даражасига кўра эса – «ўртадан юқори» ва «юқори» гуруҳига киради. Ҳар бир корхона учун етакчи зарарли хавф омиллари аниқланди: ФНҚИЗ да – биргаликда ишлаб чиқариш шовқини ва тебраниши, ҳаво газланганлиги; «Фарғонаазот» АЖ да – биргаликда ишлаб чиқариш шовқини, ҳаво газланганлиги, иситувчи микроиклим; ФИЭМ да - иссиқлик нурланиши, иситувчи микроиклим ва иш жойи ҳавосининг чангланганлиги. Қиргули саноат худуди корхоналарида зарарлилик индекси (ЗИ) аниқланди, у ишчилар саломатлиги учун «юқори» (чидаб бўлмайдиган) касбий хавф билан белгиланди. Ишлаб чиқариш муҳитида зарарли ва хавфли омилларининг таъсир этиш вақтни, меъёрий кўрсаткичлардан юқори бўлишини ҳисобга олган ҳолда зарарли ва хавфли меҳнат шароитида ишловчи ишчилар учун хавфсиз иш стажи ҳисоблаб чиқилди.

Диссертациянинг «**Кимёвий кўрсаткичларни аниқлаш, уларнинг меҳнат фаолияти давомийлигига ва касб касалликлар ривожланиш эҳтимоллигига таъсири**» деб номланган тўртинчи бобида ишлаб чиқариш майдон ҳавоси ифлосланиш даражаси билан иш жойи ҳавоси ўртасида боғлиқликни аниқлашга қаратилган тадқиқот натижалари келтирилган. Юқори кимёвий ифлосланишга эга бўлган саноат худудидаги ишловчилар учун потенциал хавф коэффицентлари, чанг келиб чиқишга эга бўлган касалликларнинг ривожланишида ахамиятти касб этувчи кимёвий ва чанг юкламалари аниқланди.

